

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Хазорасп туман хокими

У.Машарипов

2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хазорасп тумани 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

- 1.2 Танлов охирги қиймати 83510000 (Саксон уч миллион беш юз ўн минг) сум ҚҚС билан.
Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайды ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3 Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмida илова килинган.

Ушбу танлов якуплари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 кун ичидা.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати — шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади аванс белгиланган 30 %ни ташкил қиласди.
- 1.6 Етказиб берилган парранда ва ем маҳсулотидан келиб чиқиб шартнома суммасидан кўп бўлмаган микдорда амалга оширилади агар 2022 йил охиригача хисоб фактурага асосан бажарилган иш ёки етказилган маҳсулот суммаси шартнома суммасидан оз бўлса хам шартнома тўлиқ бажарилмаган деб хисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

- 2.1 Хазорасп туман хокимлиги (бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.
Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Хазорасп тумани Э.Гаязов кўчаси 32 уй

Эладрес:

- 2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади
- 2.3 Тањлов Хазорасп туман хокимлиги Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибида белгиланган муддатда ўтказилади.

3. Танлов иштрокчилари

- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда маҳсулот, иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

- 3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар кўйилади:
Танлов предмети қийматининг камида 30% микдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар хизматларни маҳсулотларни етказиш бажариш учун зарур бўлган меҳнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисида маълумот; Низом гувохнома маблағ микдори устав фонд.

- 3.3 Агар танлов предмети бўлган маҳсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштрок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4 Қуидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара килинганлар, хамда муассасалик келишув, молиявий

иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлиги.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкун;

-Тақдим қилинган хужжатларнинг хақиқийлигига ва маълумотларнинг хақонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш хукукига эга.

5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун таалуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкун;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

6. Томонларниниг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга хакли. Товарни (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хакли. Сўров келиб

түшгән санадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб түшгән бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак;

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан З иш куни ичига маҳсус ахборот порталаида эълон килинади;

7.4 танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан З иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт;

7.5 танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузоётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИЛОВА

Хизматни бошлангич нархлари

Хазорасп тўман хокими



У.Машарипов



ТАСДИҚЛАЙМАН"

Хазорасп туман хокими

У.Машарипов

ТЕХНИК ТОПНИРИК

1	Буюртмачи	Хазорасп туман Хокимлиги
2	Хизмати тури	"Беш ташаббус олимпиядаси"нинг 2-мавсумини юкори савияда ташкил этиш ёшлар дастурини ижросини таъминлаш максадида, танлов иштирокчиларига хар-хил турдаги соғалар билан тақдирлаш учун
3	Танлов тури	Очиқ танлов
4	Танлов хужжатларини электрон шаклда юқлаб олиш манзили	https://e-tender.uzex.uz энг яхши таклифлар
5	Танлов ўтказиш манзили, жойи ва муддати	Хазорасп туман Хокимлиги (Хазорасп туман Э.Гаязов кўчаси 32 уй), (0362)33-25-201. Танлов тугагандан кейин 5 (беш) иш куни мобайнида бўлиб ўтади
6	Буюртмачи томонидан бажарувчи ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйиладиган талаблар;	1."Беш ташаббус олимпиядаси"нинг 2-мавсумини юкори савияда ўтказиш билан боғлиқ ишларни тўлиқ бажариш 2. Тадбир ўтказиш бўйича тузилган харажатлар сметасида кўзда тутилган хар-хил тўрдаги саовғаларни, ҳамда хизматларни сифатли башариб бериш шарт; 3. Хизмат курсатувчи ташкилот формаларни 2 кун ичida тайёрлаб хар бир хонадонга етказиб бериши керак; 4. Хизмат курсатувчи ташкилот муддатида тайёрлаб етказиб бериш учун етарли ва зарур техникаларга, малакали ишчи ходимларга эга булиши шарт;
7	Танловда иштирок этишга қўйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади	Ушбу фаолият бўйича тажрибасига эга бўлиши, Молиявий аҳволи баркарорлиги, солик ва бошка мажбурий тўловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (бўлинish, кўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаган ташкилотлар иштирок этадилар. Малакали ходимлага эга бўлишлари шарт

Хизмат кўрсатиладиган муассаса номи	Хазорасп туман хокимлиги
Манзили	Хазорасп туман Э.Гаязов кўча 32-уй

Xalq deputatlari Hazorasp tuman
Kengashining
2022 yil 28 sentabrdagi
VI-96-175-12-174-K/22-son qaroriga
7-ilova

**"Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги
тадбирлар ўтказиш бўйича
бўйича сарф-харажатлар
СМЕТАСИ**

№	Совғалар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Жами суммаси
1	Бадиий китоблар	дона	400	15 000	6 000 000
2	Диплом	пачка (30 талик)	20	30 000	600 000
3	Диплом рамка	дона	200	15 000	3 000 000
4	Баннер	квадрат метр	300	30 000	9 000 000
5	Ракетка	дона	6	150 000	900 000
6	Ракетка	дона	6	100 000	600 000
7	Смарт соат	дона	12	400 000	4 800 000
8	Наушник	дона	6	100 000	600 000
9	Рубоб	дона	6	500 000	3 000 000
10	Шахмат	дона	20	80 000	1 600 000
11	Шашка	дона	20	50 000	1 000 000
12	Волейбол тўпи	дона	12	110 000	1 320 000
13	Спорт сумка	дона	20	200 000	4 000 000
14	Кураш форма	дона	20	150 000	3 000 000
15	Планшет	дона	6	1 500 000	9 000 000
16	Сувинер	дона	18	80 000	1 440 000
17	Катта тефал (термафот)	дона	30	250 000	7 500 000
18	Кичик тефал 2л	дона	220	50 000	11 000 000
19	Футболка	дона	300	20 000	6 000 000
20	Медал	дона	210	15 000	3 150 000
21	Кепка	дона	300	20 000	6 000 000
Жами			2132	x	83 510 000